

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил февраль ойининг 1 куни жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Жомбой тумани ДСИ биноси ва ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.М.Шерийгитовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Нуруллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси С.Собиров, жабрланувчи Кахраманова Зарина Жумановна, судланувчи Шарипов Отабек Давлатович ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Ниязованинг иштирокида, Шарипов Отабек Давлатовичга нисбатан №1-1406-2201/3-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи; **ШАРИПОВ ОТАБЕК ДАВЛАТОВИЧ** (Sharipov Otabek Davlatovich), 1987 йил 1 июнь куни Жомбой туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, 2 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 06.01.2020 йил кунги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ҳаракатдан тугатилган, Жомбой тумани, “Эски Жомбой” маҳалласига қарашли “Беш Сайид” қишлоғида яшайди, унга нисбатан “муносиб ҳулқ-атворда бўлишлик ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 27 декабрь куни олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Шарипов Отабек Давлатович фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 2020 йил 17 февралдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Кахраманова Зарина Жумановнанинг фойдасига икки нафар фарзандлари яъни, 29.04.2013 йилда туғилган Давлатова Зилола Отабековна ва 07.04.2017 йилда туғилган Давлатов Хушнудбек



Отабековичларни вояга етгунларига қадар моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдорида жами 9.918.180 сўм алимент пулларини 2021 йилнинг февраль ойидан декабрь ойига қадар тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Судда сўралган судланувчи Шарипов Отабек Давлатович, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 17.02.2020 йилдаги суд буйруғига асосан у ундирувчи собиқ турмуш ўртоғи З.Ж.Кахраманованинг фойдасига фарзандлари яъни, 29.04.2013 йилда туғилган Давлатова Зилола Отабековна ва 07.04.2017 йилда туғилган Давлатов Хушнудбек Отабековичларни вояга етгунларига қадар моддий таъминотлари учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдорида тўлаб бериши керак бўлган алимент пулларини тўлаб бермасдан келганлигимни тўлиқ тан олишлигини, 01.02.2021 йил ҳолатига мавжуд бўлган 9.325.666 сўм қарздорликни тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келганлиги учун жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, суд томонидан унга 05.02.2021 йил куни тайинланган 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққанлигини, бироқ иш бўлмаганлиги сабабли 2021 йилнинг февраль ойидан 2021 йилнинг декабрь ойига қадар ҳисобланган жами 9.918.180 сўм алимент пулларини тўламасдан келганлигини тўлиқ тан олишлигини, фарзандларини алимент пулларини тўлаб беришлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Шарипов Отабек Давлатович суд терговидида айбига иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган жабрланувчининг кўрсатувлари билан яъни;

Судда сўралган жабрланувчи Кахраманова Зарина Жумановнанинг, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 17.02.2020 йилдаги суд буйруғига асосан қарздор О.Шарипов унинг фойдасига икки нафар фарзандлари яъни, 29.04.2013 йилда туғилган Давлатова Зилола Отабековна ва 07.04.2017 йилда туғилган Давлатов Хушнудбек Отабековичларни вояга етгунларига қадар моддий таъминотлари учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдорида тўлаб бериши керак бўлган алимент пулларини қасддан тўлаб бермасдан келаётганлигини, шунга кўра қарздор О.Шариповга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилганлигини, қарздор О.Д.Шариповнинг 01.12.2021 йил ҳолатига жами қарздорлиги 19.243.846 сўм бўлиб, шундан 9.325.666 сўми 2021 йилнинг 1 февраль кунига қадар бўлган қарздорликни ташкил этишлигини, бу қарздорликни тўлаб бермаганлиги учун қарздор О.Д.Шариповга жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси берилганлигини, лекин қарздор О.Шарипов

дан тегишли хулоса чиқармасдан 2021 йилнинг февраль ойидан 2021



йилнинг декабрь ойига қадар бўлган давр учун ҳам ҳисобланган жами 9.918.180 сўм алимент пулларини ҳам қасддан тўламасдан келаётганлиги учун О.Д.Шариповга нисбатан қонунда белгиланган жазо чораси кўрилишини сўраганлиги ҳақидаги;

-шунингдек, судланувчи О.Д.Шариповнинг айби жиноят иш материалида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан, яъни

-13.12.2021 йил кунги З.Ж.Кахраманованинг аризаси (жиноят ишининг 3-варақаси);

-17.02.2020 йил кунги фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг Суд буйруғи (жиноят ишининг 4-варақаси);

-05.02.2021 йил кунги жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг қарори (жиноят ишининг 9-варақаси);

-огоҳлантириши хатлари (жиноят ишининг 18-26-варақалари);

тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Шарипов Отабек Давлатовичнинг моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсларни таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Шарипов Отабек Давлатовичнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Шарипов Отабек Давлатовичга нисбатан жазо тайинлашда, жазо турини ва муддатини белгилашда, у томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этиш билан бир қаторда, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва алиментдан мавжуд бўлган қарздорликни тўламаганлигини, шахсини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ҳамда қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Бундан ташқари, суд судланувчи Шарипов Отабек Давлатовичдан жабрланувчи Кахраманова Зарина Жумановна фойдасига 9.918.180 (тўққиз миллион тўққиз юз ўн саккиз минг бир юз саксон) сўм ундиришни белгилашни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд;

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи **ШАРИПОВ ОТАБЕК ДАВЛАТОВИЧ** (Sharipov Otabek Davlatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Шарипов Отабек Давлатовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини назорат қилиш Жомбой туман ИИБ пробақия хизмати зиммасига юклатилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси судланувчининг иш жойида ўташлик белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати маҳкумнинг ҳар ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Шарипов Отабек Давлатовичга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи Шарипов Отабек Давлатовичдан жабрланувчи Кахраманова Зарина Жумановна фойдасига 9.918.180 (тўққиз миллион тўққиз юз ўн саккиз минг бир юз саксон) сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

М.М.Шерйигитов

